

Абу Мұхаммад Жамолиддин Абдуллоҳ ибн Мұхаммад ибн Омир ибн Шарафиддин
Шибрөвий

عنوان البيان

وبستان الأذهان ومجموع نصائح في الحكم

الأسلوب السادس

УНВАНУЛ БАЁН

ва бустанул азҳан ва мажмууъ насаиҳ фил ҳикам

Олтинчи услуг

(Баён манзили ва зеҳнлар бўстони ҳамда насиҳат ва ҳикматлар мажмуъаси)

Араб тилидан
Анвар Аҳмад
таржимаси

Мусаххих
Мустафо Мансур

www.madrasa.uz кутубхонаси

Тошкент
2017

Таржима масъулияти

Шайх Абдуллоҳ Шибровийнинг “Унвонул баён ва бўстонул азҳан” (Баён манзили ва зеҳнлар бўстони) китобида муслим инсоннинг комиллик йўлидаги манзилларига таъриф берилган. Бу манзилларни таниб, саҳифадан саҳифага ичкарироқ кираётган инсон қачонлардир йўқотган нарсасини топгандай қувончга тўлади... ойсиз, ўлдузсиз зимистон тун бағрида адашиб чарчаган йўлчига узоқдан “йилт” этиб бир нур кўринса, бу нур уни умид чироги бўлиб ўзига чорламайдими, бу умид унга тетиклик, куч-қувват бағишламайдими, бу ишонч, бу қувват уни нажотга элтмайдими?!

“Унвон...” китоби билан яқиндан танишиш асносида кўнгилда шундай таассуротлар кечди. Бу бежиз эмас. Каломдаги иъжоз мақоми Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом сўзларига ҳам кўчганига ҳадиси шариғлар гувоҳ. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари Қуръони каримда ҳикмат дея зикр этилган. Ҳикмат “жавомеъул калим” (қисқа лафзда кўп маъноларни жамлаш) услуби орқали намоён бўлган. Бу неъмат Аллоҳнинг маҳбуб Пайғамбари Мухаммад алайҳиссаломга берилган эди. Мазкур китобда айни услугга муҳаббат таъсирланиш самарасини таъминлаганига шубҳа йўқ. Негаки, китоб муаллифи Абу Мухаммад Жамолиддин Абдуллоҳ ибн Мухаммад ибн Омир ибн Шарафиддин Шибровий калом, ҳадис, фиқҳ, усули фиқҳ илмларида етук олим бўлиши билан бирга, ўз замонасининг назмий девон тартиб берган мумтоз шоирларидан, адаб илми бўйича рисолалар битган, баёнда мазмун ва шакл уйғунлигини хис қилиш малакасига эга инсонлардан эди. Бу имтиёз “жавомеъул калим” услубини ўзлаштиришга имкон берган. Муаллиф мўжаз жумлада инсоннинг ўзи билан ўзи ва атрофдагилар билан муносабатидаги нозик нуқталарни бўрттириб, заррабин остида кўрсатар экан, бу сирли жозиба ўқувчини ўзига торгади, қўйиб юбормайди, мutoаладан узилолмайсиз...

Табиийки, бу тавсифлар арабча матнни ўқиши давомида олинган таассуротларга хос. Аслиятдаги мазмун, рух, кайфият ўзбекча таржимада қанчалик акс этганини эса аввало, соҳа мутахассислари, қолаверса, зукко ўқувчилар баҳолайди. Лекин шу ўринда таржима жараёни билан боғлиқ айрим фикрларни айтишга эҳтиёж сезиляпти.

Маълумки, Исломнинг бош манбаи муқаддас Қуръони карим араб тилида нозил бўлган. Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом ҳам араб тилида гапирганлар. Араб тили мукаммалликда тенгсиз эканига шак йўқ. Бу тил асрлар давомида шу даражада такомиллашган асосга эга бўлдики, илоҳий ҳикмат натижаси ўлароқ, лисоний тизимдаги энг кичик ўзгаришгача ҳар бир ҳолат учун муайян қонуният, аниқ қоида ишлаб чиқилди. Араб тилида қоидага бўйинсунмайдиган ҳолат йўқ. Ҳар бир ўзгаришнинг асоси, тегишли изохи бор. Аслида, араб тилини ўрганишнинг қийинлиги, балки осонлиги ҳам шунда.

Арабий матнни ўзга тилга ўгираётган таржимон, аввало ўша қонуниятлардан хабардор бўлиши талаб этилади. Жумладаги ҳар бир сўзнинг луғавий маъносини билиш матн мазмуни ҳали тўла англанди, дегани эмас. Асар ва унинг муаллифи ҳақида бутун тасаввур ҳосил бўлмагунча таржиманинг тўғрилиги иштибоҳли бўлади. Шунинг учун ҳам бир сатр, жумла, абзацини ўқиб чиқиши билан кифояланмасдан, бир нечта абзац, балки бутун бошли бўлимни ўқиб, тушунгандан сўнггина таржимага уриниш ишончлироқ йўлдир. Чунки матн руҳи қисмда эмас, бутунда акс этади. Матн руҳи англанса, сўзларни ўрни-ўрнига қўйиш осонлашади. Акс ҳолда, мазмун талаб қилган сўзнинг бошқа муқобили танланиб, маъно хирадашади.

Бу вазиятда бошқа оғриқли нуқта ҳам бор. Таржимон арабий матнни бутун нозикларни билан тушуниб, хис қилиб, мазмунни она тилида у даражада бера олмаса-чи?! Табиийки, бу ҳолатда, ўз тили тарихи, табиатини билмаслик, хис қилмаслик Яратувчи томонидан ҳар бир миллатга берилган она тилини камситишга ҳужжат бўлолмайди, албатта. Шундай экан, айб таржима қилинаётган тилда эмас, таржимонда! Таржимон она тилини таржима қилаётган тилдан кам билмаслиги керак. Шундагина ўзи таржима қилаётган

матнинг муаллифи ва таржимага мухтож ўқувчиларнинг ҳақини адо қилган бўлади. Мисол учун, фикрини олий мақомда, фасоҳат ва балоғат билан, “жавомиъул калим” услубида араб тилида изхор қилаётган донишмандлардан бири айни фикрни ўзбек тилида нима учун нўноқ ифодалashi керак?! Йўқ, бу хато на донишманднинг, на ўзбек тилининг, балки таржимоннинг чекига тушади.

Энди “Унвон...” китобининг таржимаси ҳақида икки оғиз сўз. Китоб анъанавий ҳамд, нафт, муқаддима, мавзуга кўра ажратилган етти бўлим ва хотимадан таркиб топган. Таржимада арабий матн шартли бўлакларга тақсимланиб, ҳар бўлакдан сўнг матн таржимаси бериб борилди. Айрим сўз ва жумлалар қавс ичида изоҳланди. Матн мазмуни ва руҳини ўзбек тилида имкон қадар саклашга ҳаракат қилинди. Лекин бу жихат арабча матнни нахв қоидаларига мувоғиқ сўзма-сўз таркиб қилишда халал бериши мумкин. Негаки, сўзма-сўз таркиб оғзаки таҳсилга асосланган. Шунингдек, бу ўринда оғзаки нутқ билан ёзма нутқ орасидаги кескин тафовутни ҳам хисобга олиш зарур. Оғзаки нутқда устоз шогирд билан бевосита алоқада бўлади, ёзма нутқда эса бунинг иложи йўқ. Шунинг учун ушбу таржимада кўпроқ эътибор мазмунни етказишга қаратилди, шаклни танлашда эса изоҳга ҳожат сезмайдиган ҳолат ихтиёр қилинди.

Таржима мукаммал бўлди, деган даъводан йироқмиз. Маъно равshan чиқмаган ўринлар учради. Бу бир томондан, араб тилини яхши билмаслигимизнинг, бошқа томондан, она тилида нўноқлигимизнинг оқибати. Қолаверса, эътиқодий маданиятимиз билан боғлиқ бундай ишлар тўла маънода бирдамлик, ҳамкорлик бўлсагина, мукаммал амалга ошади. Устозлар ва ўқувчиларнинг хайрли дуоларига ҳамиша мухтожмиз.

Таржимондан

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الأسلوب السادس

Олтинчи услуб

في التفويض للقضاء بالتسليم والرضى

Қазою қадарга бўйсуниш ва розилик билан қабул қилиш хақида

قالَ تَعَالَى حِكَايَةً عَنْ مُؤْمِنٍ قَوْمٍ فِرْعَوْنَ :
﴿ وَأُفْوِضُ أَمْرِي إِلَى اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ بَصِيرٌ بِالْعِبَادِ ﴾

Аллоҳ таоло Фиръавн қавмидаги бир мўминни ҳикоя қилиб деди:

“Ишимни Аллоҳнинг Ўзига топширдим. Албатта, Аллоҳ бандаларини аниқ кўриб тургувчидир”, (Фоғир сураси, 44-оят).

ولَمَّا صَدَقَ فِي الْإِتْكَالِ وَفَوَّضَ لِذِي الْجَلَالِ كَانَ يَهُ بَصِيرًا وَلَهُ نَصِيرًا . فَقَالَ جَلَّ مِنْ فَائِلٍ : {فَوَقَاهُ اللَّهُ سَيِّئَاتٍ مَا مَكْرُوا} .

Бу мўмин банда Аллоҳга суюнишда содик бўлди. Аллоҳга ишларини топширди. Аллоҳ таоло уни кўриб туриб, ёрдам берди. Улуг Аллоҳ деди: “Бас, Аллоҳ уни (мазкур мўмин кишини) макрларининг ёмонликларидан саклади”. (Фоғир сураси, 45-оят)

وَرُوِيَ أَنَّ عُمَرَ بْنَ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، كَتَبَ إِلَى أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ: أَمَّا بَعْدُ! فَإِنَّ
الْخَيْرَ كُلُّهُ فِي الرِّضَى، فَإِنْ اسْتَطَعْتَ أَنْ تَرْضَى وَإِلَّا فَاصْبِرْ

Ривоят қилинишича, Умар ибн Хаттоб Абу Мусо ал-Ашаърийга мактуб йўллаб, унда: “Албатта, барча яхшиликлар қазою қадарга рози бўлишдадир. Агар Аллоҳнинг ёзган тақдирига рози бўлишга қодир бўлсанг, яхши. Акс ҳолда сабр қил”.

حَقِيقَةُ التَّفْوِيضِ التَّسْلِيمُ لِأَحْكَامِ الْحَكِيمِ وَجَزْمُ الْاعْتِقَادِ بِأَنَّهُ لَا يَكُونُ إِلَّا مَا أَرَادَ

Аллоҳга ҳақиқий ўзини торшириш, барча ҳукмларига таслим бўлиш ва ишларини фақат Аллоҳнинг иродаси или бўлишига қатъий эътиқод қилишдир.

وَقَدْ أَوْضَحَهُ سَيِّدُ الْأَنَامِ لِقَوْلِهِ عَلَيْهِ السَّلَامُ فِي كَلَامِ قَالَهُ لَأَبِيهِ هُرِيْرَةَ: "وَإِنْ أَصَابَكَ شَيْءٌ فَلَا تَقُلْ لَوْ أَيْنِ فَعَلْتُ كَذَا وَكَذَا، وَلَكِنْ قُلْ قَدْرُ اللَّهِ وَلَوْ شَاءَ فَعَلَ، فِإِنَّ "لَوْ" تَفْتَحُ عَمَلَ الشَّيْطَانِ". رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Дарҳақиқат, Пайғамбар алайҳиссалом Аллоҳга ўзини қандай топширишни Абу Хурайра розияллоҳу анхуга айтган ҳадисларида очик-равшан қилиб бердилар.

“Агарда ундоқ қилганимда, ундей, бундай бўлар эди”, дема. Лекин “Аллоҳнинг қадари, У Зот нимани хоҳласа амалга оширади”, дегин. Чунки “агар” деган сўз шайтоннинг амалига (йўл) очур”.

قَالَ حَكِيمٌ: مُعَارِضَةُ الْعَلِيلِ طَبِيعَةُ ثُوِجْبٍ تَعْذِيْبَهُ

Донишмандлардан бири деди: “Бемор шифокорига қарши чиқса, шифо топа олмай, азоб чекишига тўғри келади”.

إِنَّمَا الْكَيْسُ الْمَاهُرُ مَنِ اسْتَسْلَمَ لِقَبْضَةِ الْقَاهِيرِ

Ҳаммадан ғолиб бўлувчи Зотнинг синовига таслим бўлган одам, топқир ва моҳир кишидир.

إِذَا كَانَتْ مُعَالَبَةُ الْقَدَرِ مُسْتَحِيلَةً فَمَاذَا تَنْفَعُ الْحِيلَةُ

Қадарга ғолиб бўлиш амри маҳол экан, хийладан нима фойда?

Шур:

عَلَيْكَ وَيَنْجُحُ الْأَمْرُ الْعَسِيرُ	وَقَدْ تَرْجُو فَيَعْسُرُ مَا تُرْجِي
أَمِ الْأَمْرِ الَّذِي تَخْشَى السُّرُورُ	وَمَا تَدْرِي أَفِي الْأَمْرِ الْمُرَجَّى
كَمْدُبِرِهِ لَمَّا عَمِيَ الْبَصِيرُ	لَوْ أَنَّ الْأَمْرَ مُقْبِلُهُ جَلِيٌّ

وَلَكِنْ أَحْمَقُ الْقَوْمُ الْفَقِيرُ وَلَيْسَ الْفَقْرُ مِنْ إِقْلَالٍ مَالِ

Шеър:

Умид қиласану, улар қийин кўринади. Гоҳида қийини хам рўёбга чиқади.

Хурсандчилик умид қилаётган ишдами, ё сен қўрқаётган ишдами билмайсан

Ишларнинг боши охири каби аниқ бўлганда эди, кўзи очиқ кўрлик қилмас эди.

Камбағаллик мол-дунё етишмоқчилигига эмас, балки қавмни энг аҳмоги камбағалдир.

<p>وَإِنْ قَلَ الْأَسَى عَجَزَ الْكَثِيرُ وَلَا يُرْجِحُ لِتَأْدِيبٍ كَبِيرٌ وَيُحِلِّفُ ظَنَّكَ الرَّجُلُ الطَّرِيرُ وَإِنْ أَوْقَدْتَهُ كَبُرَ الصَّغِيرُ</p>	<p>وَقَدْ يَقْوِي الْقَلِيلُ مَعَ التَّأَسِّي صَغِيرُ السِّنِّ فِي التَّأْدِيبِ يُرْجَحَ تُصِيبُ الْخَيْرَ مِنْ تَزَدَّرِيهِ مَتَى تُطْفِئُ كَبِيرَ الشَّرِّ يُطْفَأُ</p>
---	---

Сабр-ла сони оз киши қувватлидир,
Бесабрлик билан кўплар ожиздир,
Кичикларга одоб беришда умид бор,
Катталарга эса одобда умид йўқдир,
Кутмаган одамингдан яхшилик етади.
Ёш йигит гумонингни чиқаради,
Катта ёмонликни ўчирсанг ўчади,
Кичик заррасини ёқсанг катталашиб кетади.

<p>وَيُفْسِدُهُ وَإِنْ كَبُرَ الْفُجُورُ مِنِ الصَّدِيقِ الْمُفَاؤضُ وَالْوَزِيرُ وَلَكِنْ زَيْنُهُمْ كَرْمٌ وَخَيْرٌ</p>	<p>كَمَالُ الْمَرءِ حُسْنُ الدِّينِ مِنْهُ إِذَا لَمْ تَدْرِ مَا إِلَّا نَسَانُ فَانْظُرْ وَمَا عِظَمُ الرِّجَالِ لَهُمْ بِزَيْنٍ</p>
---	---

Кишининг комиллиги динини гўзаллигидир.
Гуноҳи кўп бўлса, динини бузади,
Инсонни қандайлигини билмасанг,
Дўсти ва вазири ким эканига қара,
Эркакларнинг қуввати зийнат эмас,
Балки саховати ва эзгулиги зийнатдир.

الصَّابُرُ عَلَى نُوبِ الْأَيَامِ مِنْ أَخْلَاقِ الْكَرَامِ

Мусибат қунларига сабр қилиш олийжаноб кишилар ахлоқлардандир.

العِلْمُ خَلِيلُ الْمُؤْمِنِ، وَالْحَلْمُ وَزِيرُهُ، وَالْعَقْلُ دَلِيلُهُ، وَالْعَمَلُ قَائِدُهُ، وَالرِّفْقُ وَالدُّهُ، وَالصَّابُرُ أَمِيرُ
جُنُودِهِ، فَنَاهِيكَ بِخَصْلَةٍ تَنَاءَرُ عَلَى هَذِهِ الْخِصَالِ الشَّرِيفَةِ.

Илм мўминнинг чин дўсти, ҳалимлик маслаҳатгўйи, ақл йўлбошчиси, амал етакловчиси, мулојимлик отаси, сабр аскарларининг бошлиғидир. Бас, сенга шу фазилатли хислатлар устидан ғолиб бўлган сабр хислати етарлидир.

الظَّفَرُ يَعْشِقُ الصَّابَرَ كَمَا يَعْشِقُ الْحَدِيدُ الْمِغْنَاطِيسَ

Темир магнитга ошиқ бўлгани каби ғалаба ҳам сабрга ошиқдир

Шур:

الصَّابُرُ أَوْلَى بِوَقَارِ الْفَتَى
مِنْ قَلْقٍ يَهْتَكُ سَتْرَ الْوَقَارِ
مَنْ لَزِمَ الصَّابَرَ عَلَى حَالٍ
كَانَ عَلَى أَيَّامِهِ بِالْحِيَارِ

Шеър:

Сабр йигитнинг виқори учун муносибидир,
Хавотир эса, виқор пардасини йиртади.
Ҳар бир ҳолатида сабрли бўлса,
Кунлари хайриятда ўтади.

ظِلُّ الصَّابِرِ ظَلِيلٌ وَمَطْلُهُ ذَلِيلٌ

Сабрни сояси салқинлик. Сансоларлик эса хорликдир.

الصَّابُرُ دَرْجٌ يُفْضِي إِلَى الفَرْجِ

Сабр-бардош роҳат-фароғатга олиб чиқадиган нарвондир.

أَقْلُ فَوَائِدِ الصَّبْرِ عَلَى الْبَلَيَةِ أَنْ تُنَعِّضَ بِهِ لَذَّةَ عَدُوكَ الشَّامِتِ بِكَ

Мусибатга сабр қилишни энг оз фойдаси, душманингни сени устингдан кулиш лаззатини сўниб боришидир.

شعر:

وَكِلِ الْأُمُورَ إِلَى الْقَضَاءِ	كُنْ عَنْ هُمُومِكَ مُعْرِضًا
فَلَا تَكُنْ مُتَعَرِّضًا	اللَّهُ عَوَدَكَ الْجَمِيلَ

Шеър:

Фам-ташвишингдан юз ўгир ва ишларни барини қазою қадарга топширилди. Шунда Аллоҳ яхшиликка одатлантиради, сен эса қаршилик кўрсата кўрма.

الدُّنْيَا سَبِيلٌ يَعْبُرُ وَلَا يُعْمَرُ وَمَرْ سَالِكٍ لَا مَقْرُ مَالِكٍ تُقْبِلُ إِقْبَالَ الطَّالِبِ وَتُدْبِرُ إِدْبَارِ
المَهَارِبِ

Дунё обод қилинадиган йул эмас, балки бир бор ўтиладиган йўлакчадир. Қароргоҳ эмас, балки йўловчининг йўлидидир. Дунё изловчига юзланади, қочувчидан эса орқасини ўгириб олади.

شعر:

فَعَمَّا قَلِيلٍ بَعْدَ ذَاكَ يَلْوُمُهَا	وَمَنْ يَحْمِدِ الدُّنْيَا لِأَمْرٍ يَسُرُّهُ
إِذَا أَدْبَرْتُ كَانَتْ عَلَى الْمَرْءِ حَسْرَةً وَإِنْ أَفْبَلْتُ كَانَتْ كَثِيرًا هُمُومُهَا	

Шеър:

Ким хурсанд бўлаётган ишида дунёни мақтаса, озгинадан кейин ёмонлайди.

Дунё ундан юз ўгирса, у хасратдадир.
Агар юзланса, ташвишлари кўп бўлур.

إِذَا التَّبَسَتْ عَلَيْكَ الْمَصَادِرُ فَفَوِّضْ إِلَى الْقَادِرِ الْقَاهِرِ

Ишларинг чалкаш бўлиб кетса, ал-Қодир, ал-Ғолиб сифатли Зотга топширгин.

لَرِجْعٌ عَنْ تَدْبِيرِكَ لِنَفْسِكَ فَقَدْ أَرَاحَكَ مِنْهُ غَيْرُكَ

Тадбир қилаверишдан тўхта, ахир сендан бошқа (Зот сени ўйлашдан) халос этиш билан роҳат берганку?!

وَقِسْنِ يَوْمَكَ عَلَى أَمْسِكَ فَعَلَى حَذْوِهِ مَصِيرُكَ

Бугунги кунингни кечаги кунингга таққослагин. Чунки сен келажагингни кечаги кунингга қараб қурасан.

غیره، شعر:

سَلِّمْ لَهُ الْأَمْرَ عَلَى تَسْلِيمْ	وَاصْبِرْ عَلَى الدَّهْرِ إِنْ تَمَادَى
كَمْ جَهْرَةً قَدْ ذَكَرْتْ بِلَيْلٍ	وَأَصْبَحْتْ نَارُهَا رَمَادًا

Бошқа шеър:

Ишингни Аллоҳга топширсанг, омондасан.
Замон агар бошни айлантирса сабр килгин.
Кечаси ёнган қанчадан-қанча кўмирлар
Кундузига келиб олови чўғга айланади.

مَنْ صَبَرَ غَنِمَ وَمَنْ تَفَكَّرَ عَلِمَ

Сабр қилган фойда олар. Тафаккур юритган билар.

إِمَّا يَدْلُلُ عَلَى أَنَّ الْإِنْسَانَ مُصَرَّفٌ مَغْلُوبٌ وَمُدَبَّرٌ مَرْبُوبٌ أَنْ يَتَبَلَّدَ رَأْيُهُ فِي بَعْضِ الْخُطُوبِ
وَيَعْمَى عَلَيْهِ الصَّوَابُ الْمَطْلُوبُ فَإِذَا كَانَ كَذَلِكَ فَتَدْبِيرِهِ وَاعْتِيَالُهُ فِي احْتِيَالِهِ وَهَلْكَتُهُ فِي
حَرَگَتِهِ

Инсон мусибатлар қаршисида мағлуб ва ортга чекиниши, баъзи мashaққатларга фикри заиф, талаб қилинган тўғри йўлни топишдан кўзи кўр бўлиши аниқдир. Демак, шундай бўлса унинг ҳалокати тадбирида, суиқасд қилиб ўлдирилиши ҳийласида ва ҳалокати хатти-ҳаракатида бўлади.

شعر:

لَسْتُ أَدْرِي وَلَا الْمُنَجِّمُ يَدْرِي	مَا يُرِيدُ الْقَضَاءُ بِالإِنْسَانِ
عَيْرَ أَنِّي أَقُولُ قَوْلًا صَحِيحًا	وَأَرَى الظَّنَّ فِيهِ مِثْلُ الْعَيَانِ
كُلُّ مَنْ كَانَ مُحْسِنًا قَابِلَتُهُ	حَرَكَاتُ الْأَفْلَاكِ بِالْحَسَانِ

Шеър:

Қазо инсонга нимани ирова қилишини мен ҳам, мунахжим ҳам билмайди.
Лекин мен гумон бўлса ҳам тўғри бўлган аниқ бир сўзни айтаман.
Ҳар-бир гўзал амал қилувчига фалакларнинг ҳаракати яхшиликлари билан келади.

شعر:

وَمِنْ عَادَةِ الْأَيَامِ أَنَّ صُرُوفَهَا	إِذَا سَرَّ مِنْهُ جَانِبُ سَاءَ جَانِبُ
--	--

Шеър:

Кунларни одати ва айланиб туриши шуки, бир куни хурсанд қилса, бошқа куни хафа қиласди.

إِحْتَرِسْ مِنْ تَدْبِيرِكَ عَلَى عَدُوِّكَ كَاحْتِرَاسِهِ مِنْ تَدْبِيرِهِ عَلَيْكَ فَرُبَّ هَالِكٍ إِمَّا دَبَّرَ وَمَكَرَ	وَسَاقِطٍ فِي الْبَئْرِ الَّذِي حَفَرَ وَجَرِيَحٍ بِسِلَاحِ الَّذِي شَهَرَ
--	--

Душманинг ўз тадбирида эҳтиёт бўлганидек, сен ҳам душманинга қилаётган тадбирингда эҳтиёт бўлгин. Чунки ҳалок бўлувчиларни аксари тадбири ва ҳийласи туфайли ҳалок бўлди. Қулагувчиларнинг аксари ўзи қазиган чуқурга қиласди. Жароҳат олганларнинг аксари ўзи кўтарган қилич билан жароҳатланди.

إِذَا كَانَ يَقْسِمَةُ اللَّهِ بَحْرِي الْأُمُورُ فَالا جِنْهَا دُمْخُلُورُ وَتَارُكُهُ مَشْكُورُ

Барча ишлар Аллоҳнинг тақсимоти ила жорий экан, қаттиқ ҳаракат қилиш шарт эмас. Бас, ҳаракатини тарк этса, раҳматга лойикдир.

Шиғур:

إِذَا هَوَنَ اللَّهُ مِنْهَا يَهْنٌ	دَعِينِي وَحَظِّي فَإِنَّ الْأُمُورَ
وَإِنْ كُنْتَ قَدْ شِئْتُهُ لَمْ يَكُنْ	فَمَا شَاءَ كَانَ وَمَا مُمْبَأْ يَشَاءُ

Шеър:

Нафсим, мени тинч қўй. Чунки, Аллоҳ ишларни осон қилса, осон бўлур. Аллоҳ нима хоҳласа, бўлур. Нимани хоҳламаса, гарчи сен хоҳлаган бўлсанг ҳам Аллоҳ хоҳламаса бўлмас.

إِذَا لَمْ يَمْشِ الزَّمَانُ مَعَكَ عَلَى مَا تُرِيدُ فَامْشِ مَعَهُ عَلَى مَا يُرِيدُ

Замон агар сен хоҳлаётган томон юрмаса, сен замон хоҳлаётган томон юргин.

الإِنْسَانُ عَبْدُ الزَّمَانِ وَالزَّمَانُ عَدُوُّ الإِنْسَانِ

Инсон замоннинг қулидир. Замон эса унга душмандир.

ضَلَّ سَعْيُ مَنْ رَجَحاً غَيْرَ اللَّهِ

Аллоҳдан ўзгага умидвор бўлган кишининг ҳаракати зое бўлибди.

Шиғур:

وَكَانَ إِلَيْهَا فِي الْخِلَافِ طَرِيقٌ	إِذَا طَالَبْتَكَ النَّفْسُ يَوْمًا بِشَهْوَةٍ
هَوَاهَا عَدُوُّ وَالْخِلَافُ صَدِيقٌ	فَخَالِفُ هَوَاهَا مَا اسْتَطَعْتَ فَإِنَّمَا

Шеър:

Агар нафс шаҳват истаб қолса ва унга қаршилик қилишга бирор йўли топилса,

Бас, нафсга қудратинг етгунча қарши чиқгин. Негаки нафснинг шаҳвати душмандир. Унга қарши чиқиш эса дўстликдир.

قالَ حَكِيمٌ: يَبْغِي لِلْعَاقِلِ إِذَا دَهَمَهُ مَا لَا قِبَلَ لَهُ بِهِ أَنْ يَلْرَمَ الصَّبَرَ وَالْتَّسْلِيمَ لِحُكْمِ قَاسِمٍ
الْخُطُوطِ وَلَا يُضِيغُ مَعَ ذَلِكَ نَصِيبَةٌ مِنَ الدِّفاعِ بِحَسْبِ طَاقَتِهِ، فَإِنَّهُ إِنْ لَمْ يَحْصُلْ عَلَى الظَّفَرِ حَصَلَ
عَلَى الْعُدْرِ

Донишмандлардан бири деди: “Оқил кишига ҳужум қилишсаю, уни қайтаришга қуввати етмай қолса, насибаларни тақсимлайдиган Аллоҳнинг ҳукмига таслим бўлиши ва сабр қилиши лозимдир. Аммо тоқати кўтаргунча ҳимоялансан. Шунда у ғолиб бўлмаса ҳам, бор кучимни сарфладим дея узр айта олади”.

شعر:

مَا لَا يَكُونُ فَلَا يَكُونُ بِحِينَةٍ
أَبَدًا وَمَا هُوَ كَائِنٌ سَيَكُونُ

Бўлмайдиган иш ҳийла қилинса ҳам ҳеч бўлмайди,
Бўладиган иш, гарчи ҳийла қилинса ҳам бўлади

طَاعَةُ الْهُوَى مِنْ غَيْرِ تَبْصِرَةٍ ضِدُّ الْحَزْمِ

Ҳавою нафсга ақл-идроксиз итоат қилиш эҳтиёткорликнинг аксидир.

أَوَّلُ الْهُوَى هُونُ وَآخِرُهُ هَوَانُ

Ҳавою нафснинг аввали осондир, охири эса хорликдир.

لِلْهَوَى طَاغِيَةٌ مَنْ مَلَكَهُ أَهْلَكَهُ

Ҳавою нафс азоблайди. У кимни эгаллаб олса, ҳалок қиласди.

شعر:

وَلَمْ تَدْرِ فِيهَا الْخَطَا وَالصَّوَابُ	إِذَا مَا تَحَيَّرْتَ فِي حَالَةٍ
يَقُوْدُ النُّفُوسَ إِلَى مَا يُعَابُ	فَخَالِفْ هَوَاهُ فَإِنَّ الْهُوَى

Шеър: Ишларнинг қайси бири ҳато ва қайси бири тўғрилигини билмай тараддудда қолсанг, ҳавойи-нафс хоҳишига қаршилик қил. Чунки у одамларни айбланадиган нарсага етаклайди.

الْهُوَى كَالنَّارِ إِذَا اسْتُحْكِمَ إِيْقَادُهَا عَسْرٌ إِحْمَادُهَا

Ҳавойи-нафс олов кабидир. Агар ёндириш кучайса, ўчириш қийин бўлади.

الْهُوَى كَالسَّيْلِ إِذَا اتَّصَلَ مَدْهُ تَعَذَّرَ صَدْهُ

Ҳавойи-нафс сел кабидир. Агар у доимий ёғса, уни тўсиш имкони қолмайди.

لَيْسَ الْأَسِيرُ مَنْ أَوْتَقَهُ عَدُوُهُ أَسْرًا، إِنَّمَا الْأَسِيرُ مَنْ أَوْتَقَهُ هَوَاهُ قَسْرَى

Душмани кишанлаб қўйган киши асир эмас, балки ҳавойи-нафси зўрлик билан кишанлаб қўйган киши ҳақиқий асирдир.

شعر:

فَتَعَرَّى صَبْرُهُ وَانْتَهَكَ	رُبَّ مَسْتُورٍ سَبَّتُهُ صَبْوَةٌ
غَلَبَ الشَّهْوَةَ صَارَ الْمَلِكَ	صَاحِبُ الشَّهْوَةِ عَبْدٌ فِيَادًا

Шеър:

Айблари беркитилган-у, аммо орзулари уларни маҳбус қилиб олган кимсаларнинг сабрлари яланғочланиб, шарманда бўлдилар.

Шаҳват эгаси қулдир. Агар унинг устидан ғолиб бўлса, подшохдир.

كُنْ مِنْ عَيْنِيْكَ عَلَى حِدْرِ فَرْبَ جُنُوحٍ حِينَ حَنَاهُ جُمُوحٍ عَيْنِ

Икки қўзингдан эҳтиёт бўл. Чунки қўпгина қарашга интилганлар борки, термилиб қарайверса кўзи ҳам ҳаддан ошаверади.

مَنِ اتَّبَعَ لَهُظَةً هَوَاهُ أَدْحَضَهُ وَأَهْوَاهُ

Ким бир лаҳза ҳавойи-нафсиға эргашса, уни йиқитиб қулатади.

مَا أَخْرَى الْمَلُولَ أَنْ يُحِرَّمَ الْمَأْمُولَ

Малолланган киши орзуларига эришишдан маҳрум бўлишга лойикроқдир.

مَنْ صَبَرَ فَمَا أَقْلَى مَا يَصْبِرُ وَمَنْ جَزَعَ فَمَا أَكْثَرَ مَا يُنْجِنُ

Ким сабр қиласа, унинг сабр қилган нарсаси нақадар оз. Ким бесабрлик қиласа, ман қилинадиган нарсаси нақадар кўп.

إِذَا حَلَّتِ الْمَقَادِيرُ بَطَلَتِ التَّدَابِيرُ، إِذَا نَزَلَ الْقَدْرُ بَطَلَ الْحَذْرُ

Қачон тақдирларга битилган иш содир бўлса, тадбирлар бекор бўлади. Агар тақдирлар тушса, эҳтиёткорлик ҳам бекор бўлади.

شعر:

فَلَيْسَ يَحُلُّهُ إِلَّا الْقَضَاءُ **إِذَا عَقَدَ الْقَضَاءُ عَلَيْكَ أَمْرًا**

Шеър:

Аллоҳнинг ҳукми ва тақдири сени бир ишга боғлаб қўйса, билки, уни фақат Аллоҳни ҳукми ва тақдиригина еча олади.

مَنْ غَرَسَ الصَّبَرَ إِجْتَنَى الظَّفَرَ، وَمَنْ عَرَسَ الْعِلْمَ إِجْتَنَى النَّبَاهَةَ، وَمَنْ غَرَسَ الزُّهْدَ إِجْتَنَى
الْعِزَّةَ، وَمَنْ غَرَسَ الْوَقَارَ إِجْتَنَى الْمَهَابَةَ

Ким сабрни экса, ғалабани териб олади. Ким илмни экса, билимдонликни йифиб олади. Ким зоҳидликни экса, азизликни териб олади. Ким салобатни экса, ҳайбатни йифиб олади.

وَمَنْ غَرَسَ الْمَدَارَةَ اجْتَنَى السَّلَامَةَ، وَمَنْ غَرَسَ الْكِبْرَ اجْتَنَى الْمُفْتَ، وَمَنْ غَرَسَ الإِحْسَانَ اجْتَنَى الْمَحَبَّةَ، وَمَنْ غَرَسَ الْفِكْرَةَ اجْتَنَى الْحِكْمَةَ

Ким муросаю мадорани экса, омонликни териб олади. Ким кибрни экса, қасосни териб олади. Ким яхшиликни экса, муҳаббатни териб олади. Ким тафакқурни экса, ҳикматни териб олади.

وَمِنْ غَرْسِ الْكَرَمِ اجْتَنَى الْأُلْفَةَ، وَمِنْ غَرْسِ الْحِرْصَ اجْتَنَى الذُّلَّ، وَمِنْ غَرْسِ الطَّمَعِ اجْتَنَى الْخِزْيَ، وَمِنْ غَرْسِ الْحَسَدِ اجْتَنَى الْكَمَدَ

Ким саховатни экса, дўстларни териб олади. Ким очкўзликни экса, хорликни йиғиб олади. Ким таъмагирликни экса, шармандаликни йиғиб олади. Ким ҳасадни экса, маҳзунликни териб олади.

وَمَنْ طَالَ صَبْرُهُ نَحْنَ أَمْرُهُ

Кимнинг сабри узун бўлса, иши ўнгидан келади.

مَنْ عَجَلَ عَثَرَ

Ким шошилса қоқилур.

مَنْ رَكِبَ الْعَجَلَةَ لَمْ يَأْمُنْ الْكَبُوَةَ

Ким шошма-шошар отга минса, қоқилишдан омонда бүлмайды.

شعر :

لَا تَعْجِلْ بِقُرْبَةٍ عَجَاجَ الْفَتَّةِ فِيمَا تَضْرُبُه

أَمْرًا عَوَاقِبُهُ تَسْرُّهُ وَلَرِئَمَا كَرَهُ الْفَتَّى

Йигит киши ўзига заарли ишларда шошилса ҳам сен ҳаргиз шошилма.
Йигит киши күпинча оқибати хурсанд қиладиган ишларни ёмон кўради

مَنْ قَرَعَ الْبَابَ وَلَجَ، وَمَنْ طَلَبَ الْحُقْقَ بَلَجَ

Ким эшикни қоқса киради. Ким ҳақни талаб қилса севинади.

مَنْ خَالَفَ الصَّبَرَ ظَفَرَ

Сабр-бардошли киши ғалабага эришади.

مَنْ مَسَّهُ الْفَقْرُ حُقِرَ

Кимга камбағаллик яқинлашса, камситилади.

إِذَا لَمْ تَتَفَجَّعْ لَمْ تَتَمَّعْ

Қийналмасанг, хузурланмайсан.

لَا يَنْفَعُ الْحِدْرُ مَعَ الْقَدَرِ

Эҳтиёткорлик қазою қадар қаршисида фойда бермас.

فَإِذَا بِالدُّرِّ الْغَائِصُ وَحَارَ الصَّيْدَ الْقَانِصُ

Сувга шўнғувчи дуру-гавҳарни олиб чиқади.
Ўлжани эса овчи қўлга киритади.

الغَرَّةُ ثَمَرَةُ الْجَهْلِ وَالتَّجْرِيَةُ مِرْأَةُ الْعَقْلِ

Мағурлук нодонлик мевасидир. Тажриба эса ақлнинг кўзгусидир.

وَالصَّابِرُ عَلَى الْعُصَمَةِ يُؤَدِّي إِلَى الْفُرْصَةِ

Ғам-ташвишга сабр қилиш, ютуққа олиб боради.

فَوِّضِ الْأَمْرُ لِمَوْلَاكَ تُكْفَ مُؤْنَةً بِلْوَاكَ

Аллоҳга ишингни топшир, шунда мусибатлар қийинчилигидан омонда бўласан.

Шур:

إِذَا كَانَ بَيْنَ الْمَرْءَ وَالشَّرِّ لَيْلَةٌ
فَمَا عَلِمْنَا مَا اللَّهُ فِي الصُّبْحِ صَانِعٌ

Шеър:

Киши билан ёмонликлар орасида кечалар бор экан,
Аллоҳ тонгда нима қилишини биз қаердан биламиз.

مَنْ شَكَرَ دَامَتْ نِعْمَتُهُ وَمَنْ صَبَرَ حَفَّتْ مُحْنَتُهُ

Шукр қилувчига неъматлар доимий бўлади.
Сабр қилувчига эса кулфатлар осон кечади.

مَنْ عَوَّلَ عَلَى الْقَضَاءِ حَصَلَ عَلَى الرِّجَاءِ

Ким Аллоҳни ҳукмига суюнса, умидлари рўёбга чиқади.

Шур:

قَالُوا تَنَامُ وَقَدْ أَحَا
طَ إِلَكَ الْعَدْوُ وَلَا تَغُرِّ

فَأَجْبَتُهُ وَالْمَرْءُ مَا
لَمْ يَتَّفِعْ بِالْعِلْمِ عُرَّ

Шеър:

Айтишадики, душманларинг сени қуршаб олса ҳам хавфсирамасдан ухлайверасан.

Менинг жавобим шуки, модомики киши илмидан фойда олмас экан, у алданади.

غیره:

دَوْلًا رَأَتْ أَمْرًا يَسْتُرُ	لَا بَلَغْتُ نَفْسِي الْمُرَا
يَرَ اللَّهُ يَنْفَعُ أَوْ يَضُرُّ	إِنْ كُنْتُ أَعْلَمُ أَنْ غَ

Бошқа шеър: Нафсим муроду мақсадига ета олмади ва ўзини хурсанд қиласидиган ишни ҳам кўрмади.

Аллоҳдан ўзга фойда ҳам бермаслиги ёки зарап ҳам етказа олмаслигини англаб етгач.

مَنْ تَحْرَعَ مُرَّاتِ الصَّبْرِ فَأَرَ بِحَلَّوَاتِ الظَّفَرِ

Ким сабрнинг аччиғини тотса, ғалабанинг ҳаловати билан зафар қозонибди.

كَمْ رَاجَ خَابَ وَآيِسٍ أَصَابَ

Қанчадан-қанча умидвор кишиларнинг орзузи рўёбга чиқмади.
Ноумид кишиларнинг эса орзуларига эришдилар.

عَدَمُ الرِّضَاءِ مِنْ مُعَادَاتِ الْقَضَاءِ

Алоҳнинг ҳукмига норозилик, тақдирга душманликдир.

شعر:

الدَّهْرُ لَا يَبْقَى عَلَى حَالٍ
لَا بُدَّ مَا يُقْبَلُ وَيُدْبَرُ

فَإِنْ تَلَقَّاكَ إِمَكُرُوهِهِ

فَاصْبِرْ فِيَنَ الدَّهْرَ لَا يَصْبِرْ

Шеър:

Дунё доим бир ҳолатда бўлмас. У қиё бокади ҳам, ортга чекининади ҳам.

Дунё ёмонликлар билан йўлиқса, сабр қил. Чунки замон ҳаргиз сабр килмас.

إِذَا اشْتَدَّتِ الْأَزْمَةُ انْحَلَّتِ الْحِزْمَةُ

Муаммолар қаттиқлашса, матонат ечилиб кетади.

أَوَّلُ الْفَرَجِ آخِرُ الضِّيقِ وَأَشَدُ الْأَعْدَاءِ أَقْرَبُ صَدِيقٍ

Кушойишнинг аввали тангликнинг охиридир. Ашаддий душман энг яқин дўстдир. (Чунки у барча сирдан воқиф бўлади).

لِكُلِّ بَاطِنٍ ظَاهِرٌ وَلِكُلِّ أَوَّلٍ آخِرٌ

Ҳар-бир яширган нарсанинг очилиши бор.

Ҳар-бир нарсанинг аввалини охири ҳам бор.

شعر:

إِذَا تَضَايَقَ أَمْرٌ فَانْتَظِرْ فَرَجًا فَاضِيقُ الْأَمْرِ أَدْنَاهُ إِلَى الْفَرَجِ

Шеър:

Ишлар юришмай қолса, кушойишнини кутиб тур.

Чунки кушойишга яқин қолганда иш таранглашади.

لَا تَمْدَحَنَ الدَّهْرَ فِي الْإِقْبَالِ وَلَا تَدْمَنَهُ فِي الْإِذْبَارِ، فَهُوَ لِذَوِي الْعِزَّةِ مِثَالٌ، وَلِذِي الْفِكْرَةِ
إِعْتِيَارٌ، لَا تَضْحِرْ إِذَا أَدْبَرَ، وَاصْبِرْ عَلَيْهِ تَظْفُرْ

Дунё келса мақтанма, кетиб қолса ёмонлама. Чунки у азиз киши учун зарбулмасалдир. Тафаккурли кишига эса ибратдир. Дунё кетиб қолганда сиқилмасдан сабр қилсанг, ғалабага эришасан.

شعر:

إِصْبَرْ لِدَهْرٍ نَالَ مِنْكَ
فَهَكَذَا مَضَتِ الدُّهُورُ
لَا الْحُزْنُ دَامَ وَلَا السُّرُورُ
فَرَحًا وَحُزْنًا مَرَّةً

Сени хафа қилган замонга сабр қил. Замонлар сени хурсанд ва хафа қилиб ўтаверади. Хафагарчилик ҳам, хурсандчилик ҳам бир келиб, бир кетиши ва доимий эмаслигини билгин.

إِذَا لَمْ يَكُنِ الْمُرَادُ بِيَدِكَ فَالْحُزْنُ أَنْ تُسْلِمَ لِسَيِّدِكَ

Мақсадинга эришиш қўлингда эмас экан, бас Аллохга таслим бўлмоғинг эҳтиёткорликдандир.

مَنْ أَلْقَى السِّلَاحَ فَأَرَى بِالنَّجَاحِ

Ким қуролини ташласа, ютуқка эришади.

الْيَأسُ يُعِزُّ الْفَقِيرَ وَالظَّمَّعُ يُذِلُّ الْأَمِيرَ

Сўрамасдан ноумид бўлиш камбағални азиз қиласди. Тамагирлик эса амирни ҳам хор қиласди.

مَنْ طَالَ أَمْلُهُ سَاءَ عَمَلُهُ

Орзу-ҳаваслар кўп бўлса, амал ёмонлашади.

مَنْ فَوَضَ لِمَوْلَاهُ وَقَاهُ وَبَحَّاهُ

Ким Аллохга барча ишларида суюнса, Аллоҳ уни сақлаб, нажот беради.

مَنْ أَخْلَصَ التَّوْكِلَ تَرَكَ التَّعْلُلَ

Ким таввакулида холис бўлса, баҳоналарни тарк этади.

شعر:

واجْهَهُدُّ وَالْكُدُّ وَالإِتَّعَابُ وَالْحَطَرُ	الْحَزْمُ وَالْعَزْمُ وَالْإِدْلَاجُ وَالْبُكْرُ
وَالْعِلْمُ وَالْحَلْمُ وَالتَّذَكَّارُ وَالنَّظَرُ	وَالْهَمُ وَالْغَمُ وَالْأَفْكَارُ وَالسَّهْرُ
وَلَا يَسْوُفُونَ شَيْئًا عَاقِهُ الْقَدْرُ	لَا يَرْفُونَكَ شَيْئًا أَنْتَ مُحْرَمٌ
وَإِنْ تَسْخَطْ فَلَيْسَ إِلَيْكَ الدَّهْرُ يَعْتَذِرُ	فَإِنْ قَنَعْتَ بِمَا أُوتِيتَ عِشْتَ

Шеър:

Эҳтиёткорлик, азму-қарор, тунда йўлга тушиш, сахар туриш, ҳатти-ҳаракат, меҳнат, чарчоқ, хавф-хатар, ғам-ғусса, бедорлик, илм, мулойимлик, эсадалик ва тадаббур каби хислатларинг барчаси айрилиб қолган нарсаларингни қайтармайди. Аллоҳни қадари тўсқинлик қилса, барча сифатларинг бефойдадир.

Берилган нарсага каноат қилсанг, бой яшайсан. Агар норози бўлсанг, замон сенга узр айтмайди.

الْقَنَاعَةُ عِزُّ الْمُعْسِرِ وَالصَّدَقَةُ حِرْزُ الْمُوسِرِ

Қаноат камбағалнинг обрўси, садака бойнинг қўрғони.

مَا مَضَتْ سَاعَةٌ مِنْ نَفْسِكَ إِلَّا بِضْعَةٍ مِنْ نَفْسِكَ

Ҳар ўтган фурсатингда нафсиндан бир бўлак айрилиши бор.

مَا مَضَتْ سَاعَةٌ مِنْ دَهْرِكَ إِلَّا بِقِطْعَةٍ مِنْ عُمْرِكَ

Замондан бир лаҳза ўтса, умрингни бир бўлаги ўтибди.

مَنْ رَضِيَ الْقَدَرَ إِسْتَحْفَفَ بِالْعِبْرِ

Ким қадарга рози бўлса, ибратли сабоқни паст санайди.

مَنْ رَضِيَ بِقَضَاءِ اللَّهِ لَمْ يُسْنِخْطُهُ أَحَدٌ وَمَنْ قَنَعَ بِعَطَايَهِ لَمْ يَدْخُلْهُ حَسَدُ

Аллоҳнинг тақдирига рози бўлган кишини ҳеч ким хафа қилмайди.
Аллоҳни берганига қаноат қилган кишининг қалбига ҳасад кирмайди.

Шур:

هِيَ الْأَيَامُ وَالْعِبَرُ
وَأَمْرُ اللَّهِ مُنْتَظَرٌ
فَأَيْنَ اللَّهُ وَالْقَدَرُ
أَتَيَأسُ أَنْ تَرَى فَرَجًا

Бу кунлар ибрат ва сабоқдир. Аллоҳнинг амри эса мунтазирдир.
Агар фаровонликни кўришдан ноумид бўлсанг, Аллоҳнинг тақдири қаерда қолди?

مَنْ تَعَزَّزَ بِاللَّهِ لَمْ يُذِلْهُ سُلْطَانٌ وَمَنْ تَوَكَّلَ عَلَيْهِ لَمْ يُضِرَّهُ إِنْسَانٌ

Кимни Аллоҳ азиз қилса, подшоҳлар уни хор қила олмайди. Аллоҳга тавакkal қилган кишига бирор инсон зарар бера олмайди.

الصَّابِرُ عِنْدَ الْمَصَائِبِ مِنْ أَعْظَمِ الْمَوَاهِبِ

Мусибатларга сабр қилиш ҳадяларнинг энг каттасидир.

Шур:

وَإِذَا مَسَّكَ الرَّمَانُ بِضُرٍّ
عَظُمَتْ دُونَهُ الْخُطُوبُ وَجَلَّتْ

سَمِّتْ نَفْسُكَ الْحَيَاةَ وَمَلَّتْ فَالرَّأْيَا إِذَا تَأْوَلَتْ تَوَلَّتْ كُشِّفَتْ عَنْكَ جُمْلَةً وَخَلَّتْ	وَأَتَتْ بَعْدَه نَوَائِبُ أُخْرَى فَاصْطَبِرْ وَانْتَظِرْ بُلُوغَ الْأَمَانِي وَإِذَا أَوْهَنَتْ قُواَكَ وَحَلَّتْ
---	---

Шеър:

Замон сенга зарап келтирса, уни олдида бошқа мусибатлар катта кўринади.

Ортидан бошқалари ҳам келгач сен ҳаётдан зерикиб, малолланиб қоласан.

Сабрли бўл, орзуларга етишни кут. Чунки кулфатлар узлуксиз келса, кетиши ҳам бор.

Мусибатлар қувватингни заиф қилса, ҳаммаси сенга аслини кашф қилиб ташлаб кетади.

الْدُنْيَا لَا تَصْفُو لِشَارِبٍ وَلَا يَخْلُو لِصَاحِبٍ إِنْ أَقْبَلْتُ فَهِيَ فِتْنَةٌ أَوْ أَدْبَرْتُ فَهِيَ مَحْنَةٌ فَأَعْرِضْ
 عَنْهَا قَبْلَ أَنْ تُعْرِضَ عَنْكَ وَاسْتَبْدِلْ بِهَا قَبْلَ أَنْ يَسْتَبْدِلَ بِكَ أَحْوَاهُهَا لَا تَزَالْ تَتَنَقَّلُ وَأَطْوَارُهَا لَا
 تَبْرُحْ تَتَبَدَّلُ

Дунёнинг шароби соф эмас. Дунёнинг дўсти йўқ. Дунёнинг келиши фитнадир, кетиши эса кулфатдир. У сендан юз ўгирмасидан аввал юз ўгир. Сени алиштиromoғидан илгари сен уни алиштири. Дунёнинг ҳолатлари ўзгарувчан. Уни хулқ-атворлари эса алмashiб туради.

شعر:

وَمَا هِيَ إِلَّا سَاعَةٌ ثُمَّ تَنْقَضِي
 وَيَدْهُبْ هَذَا كُلُّهُ وَيَزُولُ

Шеър:

Дунё озгина муддат бўлиб, сўнгра тугайди ва барчаси кетиб, йўқ бўлади.

لَذَّاتُهَا فَانِيَّةٌ وَتَبَعَانِهَا بَاقِيَّةٌ فَاغْتَنِمْ صَفْوَ الزَّمَانِ وَانْتَهِزْ فُرْصَةَ الْإِمْكَانِ

Дунёнинг лаззати ўткинчи, машаққатлари эса боқийдир. Дунёда покиза яшагин. Фурсат-ммкониятларни ғанимат билгин.

شعر:

وَمَنْ يَطْلُبُ الْأَعْلَى مِنَ الْعَيْشِ لَمْ يَرِدْ
 حَزِينًا عَلَى الدُّنْيَا رَهِينَ غُبُونَهَا
 إِذَا شِئْتَ أَنْ تَحْيِي سَعِيدًا فَلَا تَكُنْ
 عَلَى حَالَةٍ إِلَّا رَضِيْتَ بِدُونَهَا

Шер:

Ким дунёда фаровон ҳаётни истаса, дунё алдовлари кўп бўлгани учун ҳафаликда яшайди.

Бахтли яшашни истасанг, озгинасига рози бўлгин.

أَجْهَلُ سَفَهٌ وَالْأَيَامُ دُولٌ وَالدَّهْرُ عِبَرٌ

Нодонлик ақлсизликдир, кунлар ўзгарувчидир, дунё эса ибратдир.

الْمَرْءُ مَنْسُوبٌ إِلَى فِعْلِهِ وَمَاخُوذٌ بِعَمَلِهِ

Киши феълига мансуб бўлиб, амали билан ушланади.

رُبَّ عَطَابٍ تَحْتَ طَلَبِ رُبَّ مَنِيَّةٍ تَحْتَ أُمْنِيَّةٍ

Баъзида ҳалокат изланаётган нарсада бўлади. Баъзида ўлим эса орзуласидан бўлади.

كُلُّ مَحْنَةٍ إِلَى زَوَالٍ

Ҳар бир кулфат йўқ бўлади.

وَكُلُّ نِعْمَةٍ إِلَى انتِقالٍ

Ҳар-бир неъмат доимий эмас.

شعر:

هُوَ الْقَدْرُ الْمَحْتُومُ إِنْ جَاءَ مُقْبِلاً
 فَلَا الْغَابُ محْرُوسٌ وَلَا اللَّيْثُ وَاثِبٌ

أَلَا إِنَّمَا الدُّنْيَا نَصَارَةٌ أَيْكَةٌ
 إِذَا اخْضَرَ مِنْهَا جَانِبٌ جَفَّ جَانِبٌ
 فَلَا تَكْتَحِلْ عَيْنَاكَ مِنْهَا بِعَبْرَةٍ
 عَلَى ذَاهِبٍ مِنْهَا فَإِنَّكَ ذَاهِبٌ
 وَمَا النَّاسُ إِلَّا حَائِضُوا غَمْرَةَ الرَّدِيِّ
 فَطَافِ عَلَى ظَهْرِ التُّرَابِ وَرَاسِبٌ

Шеър:

Бу белгилаб қўйилган қадар агар юзланса, ўрмонлар қўриқланилмайди, шердан ҳам қўрқилмайди.

Дунё ям-яшил дараҳт, у кўкаради ҳам, қурийди ҳам.

Ўлган одамга кўз ёш тўкма. Чунки сен ҳам ўласан.

Инсонлар ҳалокат гирдобига қулайдилар. Айримлари ер устида, айримлари эса ернинг остига қулагандир.

لَا يَبْقَى أَحَدٌ عَلَى حَالٍ وَلَا تَخْلُو سَاعَةٌ مِنْ اسْتِحَالَةٍ

Киши доим бир ҳолатда бўлмайди. Ҳар соатда ишлар ўзгариб туради.

رُبَّ مَأْمُولٍ يَضُرُّ وَمَحْذُورٌ يَسْرُّ

Кўп орзу қилинган нарсалар зарап беради. Кўп эҳтиёткорлик қилинган нарса хурсанд қиласди.

مَنْ عَاتَبَ الدَّهْرَ طَالَ عِتَابُهُ وَمَنْ سَالَمَهُ خَابَ طِلَابُهُ

Ким замонни айбланса, айблари тугамайди. Замон билан келишилса, ахдига вафо қилмайди

كُنْ مِنْ دَهْرِكَ حَذُورًا وَعَلَى دِينِكَ عَيْوَرًا

Замондан эҳтиёт бўл, динингга ғайратли бўл.

كَمْ خَطَبٌ طَالَ ثُمَّ زَالَ، كَمْ حَالٍ مَضَى وَآتٍ انْقَضَى

Балолар узун бўлса ҳам, тугайди. Ташвишли ҳолатлар ўтади. Агар келса, кетади ҳам.

شعر:

يَسْعَى إِمْرُؤٌ لِّيَنَالَ مَا يَسْعَى لَهُ وَالْأَمْرُ يَصْرُفُ الْقَضَاءَ الْغَائِبُ وَالْحَالُ يَعْلِبُهَا الزَّمَانُ الْغَالِبُ وَيَخِيبُ بِالْطَّلْبِ الْمَلِيقُ الْطَّالِبُ	الْدَّهْرُ مُخْتَلِفٌ عَلَى حَالِهِ يَأْتِي بِلَا طَلْبٍ أَنْاسًا حَظُّهُمْ
---	--

Шеър:

Киши мақсадига эришиш учун ҳаракат қиласди. Ишларни Аллоҳнинг хукмигина ўзгартиради.

Замон ҳар-хилдир. Ҳолатларга замон ғолибдир.

Кишининг насибаси қидирмаса ҳам келади. Ризқ юргурганники эмас, балки буорганникидир.

جَرَّ الْقَطِيعَةَ بِالْمَزَاحِ الْلَّاعِبُ فَلِكُلِّ وَرْدٍ مَصْدَرٌ وَعَوَاقِبُ إِنْ كُنْتَ تَجْهَلُ أَمْرًا مَا الصَّائِبُ	لَا تَرْضَ بِاللَّعِبِ الصَّدِيقَ فَرِبَّمَا وَاحْذَرْ عَوَاقِبَ وَرْدَ أَمْرَكَ صَادِرًا لَا تَسْأَلْ عَنِ امْرِئٍ وَاسْأَلْ بِهِ
---	--

Шеър:

Ўйин-кулги учун дўст бўлма. Кўпинча мазоҳ билан дўстликни узишга тортади.

Ишни охири қандай тугашидан эҳтиёт бўл. Чунки ҳар бир ишнинг боши ва охири бор.

Бу қанақа одам деб сўрама. Агар билмасанг тўғри ишини сўра.

إِذَا حَضَرْتَ بِمَحَالِسِ الْمُلُوكِ فَعُضَّ عَيْنَيْكَ وَضُمَّ شَفَتَيْكَ وَلَا تَقُولُهُ فِي
 حَضْرَتِهِمْ، فَإِنَّكَ لَا تَأْمُنْ مِنْ أَنْ يَكُونَ لَهُمْ عَلَيْكَ عَيْنٌ تَرْفَعُ لَهُمْ أَخْبَارَكَ وَتَوَصَّلَ لَهُمْ أَسْرَارَكَ.

Агар сен подшоҳларнинг мажлисида ҳозир бўлсанг, икки кўзинг билан икки лабингни ҳам юмгин. Уларни олдида айтмаган гапингни улар йўқ

бўлганда ҳам айтма. Чунки сен хабарларни етказадиган ва сир-асрорларни айтиб қўядиган кўзлардан омонда эмассан.

وَإِذَا جَلَسْتَ عَلَى مَوَائِدِهِمْ فَصُمْ عَنِ الْكَلَامِ وَلَا تَشْرَهْ إِلَى الطَّعَامِ، وَإِذَا حَدَّثَكَ مَلِكٌ فَاصْنِعِ
إِلَيْهِ وَأَفْبِلْ بِوْجِهِكَ عَلَيْهِ، وَإِذَا أَهَّلَكَ الْمَلِكُ لِمُنَادَمَتِهِ وَجَعَلَكَ مِنْ خَاصَّتِهِ فَلَا تُؤْمِنْ عَلَى دَعْوَتِهِ
وَلَا تُشَمِّتْهُ عَلَى عَطَسَتِهِ

Дастурхонда подшоҳ билан бирга ўтириб қолсанг қўп гапирма. Таомга очкўзлик қилма. Подшоҳ сўзласа, унга юзланиб қулоқ сол. Подшоҳ сени дўст тутса ва ишончли кишиси қилиб олса, дуосига омин дема ва акса урса, сиҳат-саломатлик тилама.

وَلَا تَسْأَلْهُ عَنْ حَالَتِهِ وَلَا تُفَاتِحْهُ فِي الْكَلَامِ وَلَا تُزَاجِمْهُ الْاسْتِلَامَ وَلَا تُشَارِكْ فِي التَّدْبِيرِ وَلَا
تُعَايِنْهُ عَلَى التَّقْصِيرِ، وَإِذَا لَأْبَكَ فَأَحْسِنِ الْأَدَبَ وَاحْشَ مِنْهُ سَوْرَةَ الْغَضَبِ ثُمَّ لَا يَخْرُجَنَّكَ مَا
تَرَاهُ مِنْ أُنْسِيهِ بِكَ إِلَى الصَّبَاحِ عَنْ مَكْرُوهِ بِكَ فِي حَالَةِ الْمَرَاحِ

Ундан ҳол-ахвол сўрама, гапни биринчи бошлама, бир жойга тиқилма. Тадбирида шерик бўлма, хато қилса койима, ҳазил-хузул қилса одоб сақла, ғазабланса қўрқиб тур, у тонггача сен билан суҳбат қуриб ҳамроҳ бўлса, мазоҳ ҳолатидаги ёқимсиз нарса сенга етиши хотиржам қилиб қўймасин!

وَإِيَّاكَ وَالْقَدَحَ فِي الْمُلُوكِ وَإِنْ مَضَى زَمَانُهُمْ وَانْقَضَى سُلْطَانُهُمْ، فَإِنَّ ذَلِكَ مِمَّا يَضُعُ بِقَدْرِكِ
وَيَنْطِقُ بِعُدُرِكِ وَيَشَهُدُ بِلَوْمِ سَجِيَّتِكَ وَيَدُلُّ عَلَى سُوءِ طَوِيشِكَ، لَأَنَّ مَنْ أَنْكَرَ حَقَّ الْمَاضِيِّ كَانَ
لِحَقِّ الْبَاقِي أَنْكَرَ وَمَنْ كَفَرَ سَالَفَ الْمَعْرُوفَ كَانَ لَا نِفَهَ أَكْفَرَ

Подшоҳларнинг даври ўтиб, ҳукмдорлиги тугаган бўлса ҳам, уларни айблашдан четлангин. Чунки бу, сенинг ҳурматингни туширади. Сўнг кечирим сўрайсан. Пасткаш ва ичинг қора эканлигини билдириб қўясан. Билгинки, вафот этганларни ҳаққини инкор қилган киши ҳаёт бўлганларнинг ҳам ҳаққини инкор қиласди. Яна ким олдинги яхшиликларни билмаса, кейингисини ҳам албатта билмайди.

لَا تُحَدِّثِ الْمَلِكَ بَادِيًّا وَلَا تُعْدِ لَهُ حَدِيثَكَ ثَانِيًّا وَلَا تُعْرِضْ عَنْهُ إِذَا أَكْثَرَ وَلَا تُكْثِرْ عَلَيْهِ إِذَا اسْتَخْبَرَ وَلَا تَصِلْ حَدِيثًا بِحَدِيثٍ وَلَا تُعَارِضْ أَحَدًا فِي تَحْدِيثٍ وَلَا تَغْيِظَنَّ أَحَدًا فِي مَجْلِسِهِ وَإِنْ كَثُرْتُ عُيُوبُهُ وَرَأَدْتُ ذُنُوبُهُ

Биринчи бўлиб гап бошлама, гапингни эшиитмай қолса иккинчи марта тақорорлама. Подшоҳ кўп гапириб юборса, юз ўгирма. Хабар сўраса, қисқа жавоб қил. Гапни гапга улама. Бирор кишини ёмонлама. Подшоҳнинг мажлисида бирор кишига ғазабланма, гарчи унинг айби кўп ва гунохи ошиб кетса ҳам.

رَضِّ نَفْسَكَ بِطَاعَةِ سُلْطَانِكَ وَاحْفَظْ رَأْسَكَ مِنْ عَثْرَةِ لِسَانِكَ وَاجْعَلْ لِدِينِكَ مِنْ دُنْيَاكَ
نَصِيبًا وَاجْعَلْ مِنْ نَفْسِكَ رَقِيبًا وَصَيْرِ لِكُلِّ حَارِحةٍ مِنْ حَوَارِحَكَ زِمَامًا وَلُكْلِ حَرَكَةٍ مِنْ الْحُرْمَ جِهَاماً

Подшоҳнинг буйруғига тайёр тур. Тилингнинг хатоси туфайли бошинг кетишидан эҳтиёт бўл. Мол-дунёни ишлатиб, динингни барпо қил. Ўзингни доим тергаб тур. Аъзоларингни ҳар бирини жиловлаб қўй. Ҳар бир харакатинг учун эҳтиёткорликни юган қилиб ол.

لَا تَرْفَعْ لَهُ حَاجَةً إِلَّا إِنْ رَأَيْتَ وَجْهَكَ بَسِيطًا وَبَشْرَهُ بَادِيًّا وَقَلْبَهُ نَشِيطًا وَلْتُكِنِ الْحَاجَةُ عَلَى
مِقْدَارِ حَقِّكَ وَحُرْمَتِكَ وَكَدِّكَ وَهَمَتِكَ وَقَصِيرُ عَلَيْهِ السُّؤَالَ وَتَوَقُّ الإِمْلَالَ وَلَا يَحْمِلْنَكَ فَرْطُ مَيْلِهِ
إِلَيْكَ وَشَدَّدُ إِقْبَالِهِ عَلَيْكَ عَلَى كَثْرَةِ الْمَقَالِ وَقُوَّةِ الْاسْتِرْسَالِ

Подшоҳингни юзи очиқ, шодлиги чексиз ва қалби қувноқ ҳолда кўрсанг, хаққинг, хурматинг, меҳнат ва ҳимматингни миқдорига қараб ҳожатингни айтгин. Саволларни қисқа қил, уни зериктириб қўйма. Подшоҳ сенга жуда яқин бўлса ва сенга қаттиқ муҳаббат қўйса, кўп гапириб, ўзингга эрк бериб юбормагин.

وَإِذَا نَادَمْتَهُ فَتَوَقَّ الْاقْتِحَامَ وَتَوَخَّ الْاحْتِرَامَ وَلَا تَبْتَدِئْهُ بِمَقَالٍ وَاجْعَلْ جَوَابَكَ عَلَى قَدْرِ السُّؤَالِ
فَوَكِّلْ بِشَفَقَتِيهِ نَاظِرَكَ وَبِحَدِيثِهِ خَاطِرَكَ وَاسْتَمْعِهُ مُسْتَغْرِبٌ لَهُ مُسْتَظْرَفٌ وَإِنْ أَخْكَمْتَهُ عِلْمًا
وَأَنْقَنْتَهُ فَهُمَّا

Подшоҳ билан дўст бўлсанг, бемаъниликдан сақлан, уни эҳтиром қил, гапни биринчи бўлиб бошлама, саволга қараб жавоб бер, кўзларинг унинг лабига қараган бўлсин, сўзларини ёдингда сақлаб қол, гаплари ғалати бўлса ҳам, гапингиз гўзал деб қулоқ сол, гарчи мустаҳкам илм ва нозик фаҳмга эга бўлсанг ҳам.

وَلَا يَعْلَمُنَّكَ هَذِهِ الْمَعْلَكَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ بِالْمُهْزِلِ، فَإِنَّ قَلْبَهُ يَتَقَلَّبُ وَمَا خَفِيَ عَنْكَ أَعْجَبُ وَالرَّزْمُ
عِنْدَهُ الْوَقَارُ وَكُتْمُ الْأَسْرَارِ

Сенга ҳазил қилса, сен аввалги бўлиб ҳазиллашма. Чунки унинг қалби ўзгарувчан, сендан яширган нарсаси ажойиб. Унинг ҳузурида викорли бўл, сирасорларингни яшир.

شعر:

إِذَا صَحِبْتَ الْمُلُوكَ فَالْبَسْ	مِنَ التَّقْوَى أَعْرَّ مَلْبَسٍ
وَادْخُلْ إِذَا مَا دَخَلْتَ أَعْمَى	وَاخْرُجْ إِذَا مَا خَرَجْتَ أَخْرَسَ

Шеър:

Подшоҳ билан ҳамроҳ бўлсанг, тақво либосининг энг яхисини кийгин. Унинг ҳузурига кўр ҳолда кириб, соқов ҳолда чиқиб кетгин.

ضرب مثل Зарбулмасал

حُكِيَ أَنَّ ثَعْلَبًا كَانَ يُسَمَّى طَالِمًا، وَكَانَ لَهُ جُحْرٌ يَأْوِي إِلَيْهِ وَكَانَ مَسْرُورًا بِهِ وَلَا يَبْتَغِي عَنْهُ بَدْلًا فَخَرَجَ مِنْهُ يَوْمًا يَبْتَغِي مَا يَأْكُلُ ثُمَّ رَجَعَ فَوَجَدَ فِيهِ حَيَّةً فَانْتَظَرَ خُرُوجَهَا فَلَمْ تَخُرُجْ وَعَلِمَ أَنَّهَا قَدْ أَوْطَنَتْهُ فَعَلِمَ أَنَّهُ لَا سَبِيلٌ إِلَى السُّكُونِ مَعَهَا فَذَهَبَ يَبْتَغِي لِنَفْسِهِ جُحْرًا غَيْرَهُ فَانْتَهَى بِهِ النَّاظَرُ إِلَى جُحْرِ حَسَنِ الظَّاهِرِ حَصِينِ الْمَوْضِعِ فِي مَكَانٍ خَصِيبٍ ذِي أَشْجَارٍ مُلْتَسِفَةٍ وَمَاءٍ مَعِينٍ فَأَعْجَبَهُ وَسَأَلَ عَنْهُ فَأُخْبِرَ أَنَّهُ لِشَعْلِبٍ يُسَمَّى مُفَوِّضًا وَأَنَّهُ وَرِثَهُ عَنْ أَبِيهِ فَنَادَاهُ طَالِمٌ فَخَرَجَ إِلَيْهِ وَرَحَبَ بِهِ وَأَدْخَلَهُ الْجُحْرَ وَسَأَلَهُ عَمَّا فَصَدَهُ لَهُ فَقَصَّ عَلَيْهِ خَبْرَهُ وَشَكَّا إِلَيْهِ مَا نَالَهُ فَرَقَّ لَهُ مُفَوِّضٌ ثُمَّ قَالَ

لَهُ: إِنَّ مِنَ الْهِمَّةِ أَنْ لَا تَقْصُرَ عَنْ مُطَالَبَةِ عَدُوِّكَ وَأَنْ تَسْتَفِرْ عَجْهَدَكَ فِي ابْتِغَاءِ دَفْعِهِ فَرُبَّ حِيلَةٍ أَنْفَعُ مِنْ قِبِيلَةٍ وَالرَّأْيُ عِنْدِي أَنْ تَنْطَلِقَ مَعِي إِلَى مَأْوَكَ الَّذِي أُنْتَنِعُ مِنْكَ غَصْبًا حَتَّى أَطْلَعَ عَلَيْهِ فَلَعْلَى أَهْتَدِي إِلَى وَجْهِ الْحِيلَةِ إِلَيْهِ وَإِلَى تَمْكِينِكَ مِنْهُ، فَإِنَّ صَوَابَ الرَّأْيِ مَا أُسِّسَ عَلَى الرُّؤْيَةِ.

Хикоя қилинишича, бир золим тулки бўлиб, унинг уйи бор эди. Уйи борлиги учун жуда хурсанд эди. Бошқа уйни хоҳламас эди. Кунлардан бирида овқат излагани чиқди. Қайтиб келиб қараса уясида илон ётибди. Уни чиқишини кутиб турди. Илон эса чиқмади. Сўнг илон уясини ўзи учун уй қилгани ва у билан бирга яшаб бўлмаслигини англаб етди. Ўзига бошқа уй топгани кетди. Йўлида, жойи мустаҳкам бўлган, ўт-ўланлар ўсган, ям-яшил дараҳтзор ва ёнида булоқ суви оқаётган кўркам бир уйни кўриб қолди. Уйга қизиқиб қолиб, кимга тегишли эканлигини сўради. Уя Муфаввиз исмли тулкини эканлиги ва уни отаси унга мерос қилиб кетганини айтишди. Золим тулки Муфаввизни чақирди. У эса чиқиб салом берди. Уйига таклиф қилди. Муфаввиз ундан нима учун келганини сўради. Золим тулки ўзига етган кулфатни айтиб берди. Муфаввизни унга раҳми келиб: “Албатта душманингдан талаб қилмаслик ва уни йўқотиш учун бор қувватингни ишлатиш ҳимматдандир. Чунки, оз ҳийла кўп сонли қавмдан фойдалироқ. Менинг фикрим шуки, сендан олиб қўйилган уйга мени олиб бормоғингдир. Токи мен хабар топай. Кошки бирор чорасини топиб, сенга қайтариб берсам. Чунки бироз ўйлаб фикрлаш энг аъло фикрдир”, деди.

فَانْطَلَقَا مَعًا إِلَى ذَلِكَ الْجُنْحَرِ فَتَأَمَّلَهُ مُفَوِّضٌ وَأَدْرَكَ عَرَضَهُ مِنْهُ ثُمَّ أَفْبَلَ عَلَى ظَالِمٍ فَقَالَ لَهُ: قَدْ شَاهَدْتُ مِنْ مَسْكِنِكَ مَا فَتَحَ لِي بَابَ الْحِيلَةِ فِي خَلَاصِهِ فَقَالَ لَهُ ظَالِمٌ: أَطْلَعْنِي عَلَى مَا ظَهَرَ لَكَ فَقَالَ مُفَوِّضٌ: إِنَّ أَضْعَفَ الرَّأْيِ مَا سَنَحَ فِي الْبَدِيهَةِ وَلَكِنْ إِنْطَلَقْ مَعِي لِتَبِيَّتِ عِنْدِي لَيْلَتِي هَذِهِ لَأَنْظُرْ رَأْيِي فِيمَا ظَهَرَ لِي فَفَعَلَ بَاتَ مُفَوِّضٌ مُفَكِّرًا فِي ذَلِكَ وَجَعَلَ ظَالِمٌ يَتَأَمَّلُ مَسْكَنَ مُفَوِّضٍ فَرَأَى مِنْ سَعَتِهِ وَطِبِّ تُرْبَتِهِ وَخَصَائِصِهِ وَكُشْرَةَ مَرَافِقِهِ مَا اشْتَدَّ إِعْجَابُهُ وَحِرْصُهُ عَلَيْهِ وَشَرَعَ يُدَبِّرُ فِي غَصْبِهِ وَطَرِدَ مُفَوِّضَ مِنْهُ

Сўнг улар уй томон кетдилар. Муфаввиз кўриб, ишонди. Золим тулкига қараб: “Дарҳақиқат, фикримга илондан қутилиш чораси келди”, деди.

Золим тулки: “Фикрингни менга айтгин”, деди. Муфаввиз: “Албатта, фикрни энг заифи, тўсатдан келганидир. Ҳозир сен мен билан юргин. Менинида меҳмон бўл. Зеро менга бир фикр келиб қолса”, деди. Улар шундай қилдилар. Муфаввиз тун бўйи тулкини уяси ҳақида тафаккур қилди. Золим тулки эса Муфаввизнинг уйи кўркам, кенг, тупроғи хушбўйлиги, уяси мустаҳкамлиги ва қулайлиги ҳақида тафаккур қилар эди. Ажабланиши ва унга бўлган қизиқиши

каттиқлашар эди. Сүнг уяни қандай қилиб тортиб олиш, Муфаввизни ундан қандай қилиб хайдаб юборишни режа қилди.

وَفِي الْحِكْمَةِ : الْلَّهُمَّ كَانَنَا إِنْ كَرَمْتَنَا إِنْ ضَرَأْمَنَا وَكَانَ حَمْرٌ حَبِيبُهَا سَلِيلُهَا وَتَبَيَّنُهَا صَرِيعُهَا

Хикматларда: "Пасткаш олов кабидир. Уни хурмат қилинса, ёниб кетади. Пасткаш ароқ кабидир. Ким уни яхши күрса, ўлади. Ким оловга эргашса, ҳалок бўлади", деб айтилган.

فَلَمَّا أَصْبَحَ حَا قَالَ مُفَوَّضٌ لِظَّالِمٍ : إِنِّي رَأَيْتُ ذَلِكَ الْجُحْرَ بِمَوْضِعٍ بَعِيدٍ مِنَ الشَّجَرِ وَالْخَيْرِ
فَاصْرَفْ نَفْسَكَ عَنْهُ وَهَلْمَمْ أُعِينُكَ عَلَى حَفْرِ مَسْكَنٍ قَرِيبٍ مِنْ جُحْرٍ يَهْذِي هَذِهِ الْأَرْضَ
خِصْبَةً مُتَيَّسِّرَةً الْمَرَاقِقِ

Муфаввиз золим тулкига: "Албатта, мен уяда яхшилик йўқ эканини кўрдим. Шунинг учун сен уйингдан умидингни узавер. Мен билан юрсанг, уяма яқин жойни қазишга ёрдам бераман. Чунки бу жой серхосил ва кулагилклари кўп бўлган ердир", деди.

فَقَالَ لَهُ ظَالِمٌ : إِنَّ ذَلِكَ لَا يُمُكِّنُنِي لَأَنَّ نَفْسِي تَهْلِكُ لِبُعْدِ الْوَطَنِ حَنِينًا وَلَا تَمْلِكُ لِفُقدِ
الْمَسْكَنِ سُكُونًا

Золим тулки: "Бу ишни қила олмайман. Чунки мен уйимдан узоқлашсам ҳалок бўламан. Уйимдан айрилганим учун роҳатим йўқ", деди.

فَلَمَّا سَمِعَ مُفَوَّضٌ مَقَالَةً ظَالِمٌ وَمَا تَظَاهَرَ بِهِ مِنَ الرَّغْبَةِ فِي وَطَنِهِ، قَالَ لَهُ : إِنِّي أَرَى أَنْ نَذْهَبَ
يَوْمَنَا هَذَا فَنَحْتَطِبْ حَطَبًا وَنَرْبِطُ مِنْهُ حُزْمَتَيْنِ فَإِنَّا أَقْبَلَ الَّلَّيْلَ اِنْطَلَقْتُ أَنَا إِلَى بَعْضِ هَذِهِ الْخَيَامِ
فَأَتَيْتُ بِقَبَسِ نَارٍ وَاحْتَمَلْنَا الْحَطَبَ وَالْقَبَسَ وَقَصَدْنَا إِلَى مَسْكَنِكَ فَجَعَلْنَا الْحُزْمَتَيْنِ عَلَى بَابِهِ
وَأَضْرَمَنَا هُمَا نَارًا فَإِنْ خَرَجَتِ الْحَيَّةُ احْتَرَقَتْ وَإِنْ لَزِمَتِ الْجُحْرَ أَهْلَكَهَا الدُّخَانُ، فَقَالَ ظَالِمٌ : نِعْمَ
الرَّأْيُ هَذَا

Муфаввиз унинг сўзларини эшитиб, уясини қаттиқ яхши кўришини очик-равшан билди. Сўнгра у: “Бугун борамизда, ўтинни ёқамиз ва иккита боғламини боғлаймиз. Кечқурун бўлса, мен чодирларга бориб, оловнинг чўғини олиб келаман. Биз ўтин ва чўғни сени уйинга олиб борамиз. Иккита боғламини уйингни олдига қўямиз. Олов билан ёқамиз. Илон ичкаридан чиқса, ёнади. Агар чиқмаса, тутунни ҳидлаб ҳалок бўлади”, деди. Золим тулки: “Қандай ҳам ажойиб фикр”, деди.

فَإِنْطَلَقَ فَأَخْتَطَبَا وَرَيْطَا مِنَ الْحَطَبِ حُزْمَتَيْنِ بِقَدَرِ مَا يُطِيقَانِ حَمْلُهُ، وَلَمَّا جَاءَ اللَّيْلُ وَأَفْبَلَ
وَأَوْقَدَ أَهْلُ الْخِيَامِ النَّارَ انْطَلَقَ مُفَوْضٌ لِيَأْخُذَ قَبْسًا فَعَمِدَ ظَالِمٌ إِلَى إِحْدَى الْحُزْمَتَيْنِ فَأَرَاهَا إِلَى
مَوْضِعٍ غَيْبَهَا فِيهِ ثُمَّ جَرَّ الْحُرْمَةَ الْأُخْرَى إِلَى بَابِ مَسْكَنِ مُفَوْضٍ وَدَخَلَهُ وَجَذَبَهَا إِلَيْهِ فَأَدْخَلَهَا فِي
الْبَابِ فَسَدَّهُ بِهَا وَقَدَرَ فِي نَفْسِهِ أَنَّ مُفَوْضًا إِذَا أَتَى الْجُحْرَ مَمْكِنَةُ الدُّخُولِ إِلَيْهِ لِحَصَانَتِهِ وَلَأَنَّ
بَابَهُ مَسْدُودٌ بِالْحَطَبِ سَدًّا مُحْكَمًّا وَأَكْثَرُ مَا يَقْدِرُ عَلَيْهِ أَنْ يُخَاصِرَهُ فَإِذَا يَكْسَ مِنْهُ ذَهَبَ فَنَظَرَ
لِنَفْسِهِ مَأْوِي

Сўнг улар кетиб, ўтинни ёрдилар. Кучлари етадиган икки боғламини боғладилар. Кечқурун ҳам бўлди. Чодирдагилар оловни ёқдилар. Муфаввиз чўғни олиш учун борди. Золим тулки эса иккита боғламдан бирини олиб бориб, яшириди. Бошқа бирини эса Муфаввизнинг уйи олдига судраб олиб келди. Ўзи ичкарига кирди. Боғламни ичкарига қўйиб, уйни тўсиб қўйди. Албатта Муфаввиз уйга келса, мустаҳам қўрғон борлиги учун уйга кира олмайди, деб ўзича ўйлади. Чунки уйнинг эшиги ўтин билан тўсиб қўйилган ва атрофида фақат айланиб юриш мумкин эди холос. Муфаввиз ноумид бўлса, ўзи учун бошқа уй излайди, деб ҳам ўйлади.

وَقَدْ كَانَ ظَالِمٌ رَأَى فِي مَنْزِلِ مُفَوْضٍ أَطْعَمَةً كَثِيرَةً إِدْخَرَهَا مُفَوْضٌ لِنَفْسِهِ، فَعَوَّلَ ظَالِمٌ عَلَى
الْأَقْتِيَاتِ مِنْهَا فِي مُدَّةِ الْحِصَارِ وَذَهَلَهُ الشَّرَهُ وَالْحِرْصُ عَلَى الْبَغْيِ عَنْ فَسَادِ هَذَا الرَّأْيِ وَأَنَّهُ مُتَعَرِّضٌ
لِمِثْلِ مَا عَزَمَ عَلَيْهِ أَنْ يَفْعَلَهُ بِالْحَيَاةِ

Бу уйда Муфаввиз ўзи учун жамлаб қўйган кўп таомларни золим тулки кўрди. Қийинчилик пайтда озукаланаман деб ўйлади. Очкўзлик ва зулмга истаги борлиги туфайли уни ҳаёлига бузуқ фикр келди. Илонга қарши тузишган режаларига ўзи дучор бўлиб қолишини унутиб қўйди.

ثُمَّ إِنَّ مُفَوِّضًا جَاءَ بِالْقَبْسِ فَلَمْ يَجِدْ ظَالِمًا وَلَا وَجَدَ الْحَطَبَ، فَطَنَّ أَنَّ ظَالِمًا قَدِ احْتَمَلَ الْحَزْمَتَيْنِ مَعًا تَحْفِيفًا عَنْهُ وَأَنَّهُ ذَهَبَ إِلَى الْجُحْرِ الَّذِي فِيهِ الْحَيَّةُ فَظَهَرَ لَهُ مِنَ الرَّأْيِ أَنْ يَشْرُكَ النَّارَ وَيَسْرَعَ فِي الْمَسْتِي لِيُدْرِكَهُ وَيُسَاعِدَهُ فِي حَمْلِ الْحَطَبِ فَأَلْقَى النَّارَ مِنْ يَدِهِ ثُمَّ خَسِيَ أَنْ يُطْفِئَهَا الرِّيحُ فَيَحْتَاجُ إِلَى نَارٍ أُخْرَى فَأَدْخَلَهَا فِي بَابِ الْجُحْرِ لِيَسْتَرِهَا مِنَ الرِّيحِ فَأَصَابَتِ الْحَطَبَ فَأَضْرَمْتَهُ نَارًا وَاحْتَرَقَ ظَالِمٌ فِي الْجُحْرِ وَحَاقَ بِهِ مَكْرُهٌ

Муфаввиз чўғ билан келганида золимни ҳам, ўтинни ҳам топа олмади. Икки боғламни мендан енгил қилиш учун ўзи кўтариб, илон ётган жойга кетгандир, деб ўйлади. Муфаввизнинг фикрига оловни ташлайди, тезроқ унинг олдига борай, унга етиб олиб, қарашиб юборай деган ўй келди. Оловни ташлаб бўлгач, шамол уни ўчириб қўйса бошқаси керак бўлиб қолади, деб қўрқди. Шамолни тўсиш учун уяси олдига қўйди. Олов эса ўтинга тегиб, алангаланиб кетди. Золим тулки қилган ҳийласи сабаб уяни ичидаги ёниб, ҳалок бўлди.

فَلَمَّا اطْلَعَ مُفَوِّضٌ عَلَى ظَالِمٍ قَالَ: مَا رَأَيْتُ كَالْبَغْيِ سِلَاحًا أَكْثَرَ عَمَلَهُ فِي مُحْتَمِلِهِ

Муфаввиз золим тулкининг ахволидан хабар топгач: “Ишининг аксари ҳийла бўлган кишининг қуролидан кўра босқинчиликни кўрмадим”, деди.

ثُمَّ تَمَهَّلَ حَتَّى طَفَتِ النَّارُ وَدَخَلَ فِي جُحْرِهِ وَاسْتَخْرَجَ حِينَةً ظَالِمٌ فَأَلْقَاهَا وَاسْتَقَرَّ فِي مَأْوَاهُ وَفَوَّضَ أَمْرَهُ إِلَى مَوْلَاهُ.

Аланга тингунигача пойлаб турди. Сўнг ичкарига кириб, золимнинг ўлигини ташқарига улоқтириб юборди. Ўз уясида қолиб, Роббисига ишларини топширди.